



Марказий Осиё ва Туркистон муаммолари борасидаги рус-инглиз дипломатияси



Русия Туркистонга кириб бораётган даврда, Русия билан Англия факат Туркистондагина эмас, балки Марказий Осиё тупрокларида хар икки кучнинг энг камида бир сиёсий тўқнашувни содир бўлишини ва ўзаро рақобатини дунё сиёсатининг бир парчасига айланганини яхши билар эдилар. Англия Хиндистонда ҳокимиятини кучайтириш учун Афғонистон, Эрон каби кўшни давлатларни ўз нуфузи доирасида саклашга интилар эди. Шу сабабдан русларнинг хар бир босқинчилик ҳаракатига ўзларининг Марказий Осиёдаги ҳокимияти нуктаи назаридан қарарди. Русия ўз навбатида Европада олиб бораётган сиёсатида Англияни дахшатли бир рақиб деб биларди. Мана шу ҳолатда Русия ўз ҳокимияти доирасини кенгайтириш учун харбий, иқтисодий ва сиёсий сабаблар туфайли рақобат майдонини кўчиришга интилди. Аник маълум бўлдики, рус раҳбарияти Ўрта Осиёга I Пётрдан бошлаб, Хиндистонга йўл очиш учун астойдил уринган. Бу сиёсий мақсадга эришишнинг энг қисқа йўлида Туркистон бор эди. Русия Оврупода Англия қаршисида ўзининг нақадар заифлигини кўриб, Англияга орқадан зарба бериш йўли - Туркистонни қўлга киритиш эканлигини англаб етди. Бу икки куч Ўрта Осиёда хўжайин бўлишга қанчалик уринмасин, улар орасида, хар ҳолда, қуролли тўқнашув бўлмади. Бунинг ўрнига, дипломатия соҳасида «даханаки уруш» бутун шиддати билан давом этди. Бу орада Русия Туркистондаги босқинларини кўрсатишга уринди. Англия эса Русиянинг Ўрта Осиёдаги нуфузини секинлатишга ёки унга монелик қилишга интилди. Англия билан Русия орасида 1869 йил 27 мартдан 1873 17 февралгача давом этган «даханаки жанг» бу икки давлатнинг Ўрта Осиё масалалари тилга олинган 109 нота алмашишидан ташкил топган (Мазмуни ва мундарижасида.). Рус истилосига қаршилиқ қилиш учун инглиз дипло-матларининг Бухоро ва Хива хонликлари билан алоқа ўрнатишга бўлган уринишлари тўлиқ муваффақиятсизликка

учради. Бунга хонликлар салтанати доирасидагиларнинг сиёсий ожизлиги ёки инглиз дипломатиясининг бу юртга русларнинг кириб келишига карши халк харакати катнашчиларига уларнинг максадларини очик-ойдин кўрсатиб берадиган даражада ҳаракат қила олмагани сабаб бўлди. Шу ўринда инглиз ҳукуматларининг Ўрта Осиё сиёсатига карши турган «Рус дўсти сиёсатчиларининг ролини ҳам ҳисобга олишни унутмаслик керак.

Туркистон хонликлари Русиянинг тўғридан-тўғри тажовузига учраган захоти, огир ахволда қолган маҳаллий ҳокимият катталари Англия ва Усмонли турк давлатларидан ёрдам олишга шошилдилар. 1866 йил 11 ноябрида Бухоро элчиси Хўжа Махмуд Порсо Британиянинг Хинд ҳукуматидан ёрдам олиш максатида Пешаворга борди. Ёнида Англия қироличаси ҳамда Усмонлилар султонига аталган амир Музаффарнинг мактуби бор эди. Сер Лаурене Порсон 1876 йил 6 январда Калкуттада қабул қилди, лекин ёрдам беришни рад этди. Порсо Истанбул орқали Лондонга борди, аммо бўш қўл билан орқага қайтди. 1871 йили Кўкон хонлиги Хиндистонга Хўжа Аббосни жўнатди. Қирол ноиб лорд Майо 1871 йил 22 декабрда элчини қабул қилиб, Кўконни на моддий ва на қуроли билан қўлламаслигини очикча баён қилди. Туркистон хонликлари Оврўпо тушунчасидаги дипломатик йўлларни билмас эди. Ҳеч бир давлатда бирорта доимий дипломатик вакиллари йўқ эди. Бу янгича муносабатларни ҳали қабул қилмаганликларининг белгиси эди.

Русия Туркистонни секин-аста эгаллаб олаётгани ва инглизларнинг нуфузи ҳудудига яқинлашиши асносида Русия билан Англия ўртасида Ўрта Осиё истикболи ҳақида музокаралар ҳамон давом этарди. 1869 йилнинг бошларида инглиз Ташки ишлар нозири лорд Кларендон Русиянинг Лондондаги бош элчиси барон Бруновга Осиёда икки қуч орасида бир қўғирчоқ ўлка ташкил қилишни таклиф қилди. Инглизлар Амударё атрофини қўғирчоқ ўлка сифатида белгилашни тавсия этишди. Холбуки, бу вақтда руслар ҳали Амударёга етиб бормагандилар. 1869 йил 7 мартда Русия ташки ишлар нозири Горчаков Афғонистонни ҳар икки давлат нуфузини чегараловчи ўлка сифатида белгилашни таклиф қилди. 1869 йил сентябрида ҳар икки давлатнинг Ташки ишлар нозирлари Хайделбергда учрашиб, бошқа масалалар каторида «қўғирчоқ ўлка» мавзусида ҳам суҳбатлашдилар, аммо бир тўхтамга қилишнинг иложи бўлмади (Vambery, Cantralfsian, 27 - 28 б: баъзи инглиз сиёсатчилари тахминан шундай ўйлашарди: «Англиянинг руспараст сиёсатчилари бу масала (Туркистон масаласи - муаллиф) ҳақида фикр кетганда, низомли бир давлат билан қўшни бўлиш анархия ичида яшовчи, ваҳший ва талончилик билан яшовчи қўчманчилар билан қўшничиликдан кўра, анча фарогатдир, деган жавобни берардилар». Маданият ва насронийлик манфаатидан қилиб чиқиб, Англия ва Русия Осиёда ҳдмқорлик қилиши ҳдқидаги фикр Русияда ҳам бор эди. Каранг: Виг'набу, й., 11-6. Эътиборли жихдти ҳдм қуйидаги фикрда эди: «Русиянинг Осиёдаги муваффақиятларига ачинмаймиз». Каранг: Antagonismus, 89-6.). Бу ҳусусдаги музокаралар 1874 йилга қадар давом этди. Аста-секин инглизлар Афғонистонни қўғирчоқ бир ўлка сифатида қабул қилишга яқинлашиб, «Амударё чегараси» фикридан воз кечиб, русларнинг таклифини ўзлаштирдилар. 1873 йил 24 январида инглизлар Бадахшон ва Вахан Афғонистонга тааллуқли бўлиши кераклигини баён қилган эдилар. Русия бунга рози бўлган эди. Бу битимда Афғонистон ва Бухоро тақдири ҳдл қилинди. Англиянинг нуфузи Афғонистонда, Русияники эса Бухорода чегараланади. 1873 йили ҳар икки давлатнинг Ўрта Осиёдаги нуфузи бир ахднома билан мустаҳкамланди. Бу ахднома Туркистоннинг қўшилиши тушунчасини англатар эди (Юлдашбаева 65-бетда

бошка миллатлар устидан ҳукм чиқариш учун тузилган бу шартнома ҳақида шундай ёзади: «Шуни қайд қилиш лозимки, 1873 йилги шартномада инглиз империализми билан чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати очик-ойдин кўриниб туради. Ўз империалистик манфаатлари юзасидан миллионлаб жанубий Туркистонликлар номидан уларнинг иштироки ва розилигисиз расмий ҳарбий қувватга асосланмаган қарорлар қабул қилдилар». Бу ҳусусда яна шуни таъкидлаш лозимки, инглиз империализми Афғонистонни Англиянинг бир колонияси ҳолига келтирган бўлса, рус империализми Туркистонни тўғридан-тўғри ўзига қўшиб олди, яъни ютиб юборди.). Кейинроқ Англия руслар Марвга юра бошлагач, 1889 йил 24 феввалида бу ҳаракатни Англияга берган ваъдаларига қарши қаратилган ҳодиса, деб норозилик билдирди. Аммо рус ҳукумати 1873 йил битимига биноан Туркменистон масалаларида тўлиқ Ҳаракат эркинлигига эга эканлигини баён қилди(Юлдашбаева, 126-6.). Инглиз дипломатияси ўз фикрини ўзгартиришга мажбур бўлиб, Афғонистон чегараларини мустаҳкамлаш билан машғул бўлди. Янги музокаралар бошланди. 1885 йил 10 сентябрда Афғонистон - рус чегара қизиги ҳақида Лондонда баённома (бу ҳужжатни битим деса ҳам, Мас бўлади) имзоланди. Маҳаллий миллатларнинг вакиллари таклиф ҳам этилмаган бу йигинда икки ҳукумат яна ўзаро савдога ўтдилар. Аммо бу битим ҳам икки томонни қаноатлантира олмади. Шу боисдан 1895 йил 25 августда уч императорлик - Россия, Хитой ва Англия орасида «Помир битими» тузилди. Покистон ва Хиндистоннинг 1947 йили мустақилликка эришиши Англияни бу битимдан ўз-ўзидан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Инглиз ва рус дипломатлари умуман Марказий Осиёда, ҳусусан, Туркистонда XIX юзйилликнинг ўрталаридан буён ҳар бири ўз манфаатини кўзлаб бир-бирига қарама-қарши йўл тутдилар. Баъзан бу зиддиятларуларни уруш ёқасига олиб келиб қўйса ҳам, бу қўпинча битим тузиш билан якунланди. Ҳар икки давлат бир-биридан шубҳа қиларди. Ҳар иккаласи ҳам рақибининг Ўрта Осиё ҳақидаги фикрини билишга ва ҳаракатларини диққат билан кузатишга ҳаракат қилди. Руслар Англиянинг Ўрта Осиё ва бевосита Туркистон сиёсатига оид беҳисоб асарлар яратдилар(Туркистон масалалари бўйича рус-инглиз муносабатлари билан боғлиқ рус нашри анча кенгдир. Шулардан бир қисмини қайд қилиб ўтаман: М.Грулев, Соперничество России и Англии в Средней Азии., СПб., 1909; Б.И.Искандеров, Англо-русское соглашение 1895 года о Памире, «Труды! таджикского гос. университета» Т., XXVII, выпуск I., Душанбе, 1960.; Ф.Ф. Мартене, Россия и Англия в Средней Азии, СПб., 1880., А.П. Субботин, Россия и Англия на Среднеазиатский рмнках, СПб., 1885; М.А. Терентьев, Россия и Англия в Средней Азии, СПб., 1875.). Инглизлар ҳам бу борада бўш қелмадилар(Марказий Осиё ва шу билан бирга Туркистон муаммоси билан боғлиқ бўлган инглиз нашри учун қаранг, Anwar khan, 309 - 336 бет-лар.).

Россия XVIII аср бошидан бери Ўрта Осиё масаласида Англияни бетараф ҳолга келтириш фурсатини қутди ният, мақсадига етди(Лакоста, Россия и Великобритания в Центральной Азии, Ташкент, 1908, 4-6. Туркистон борасида Англияни бетараф қолдириш билан боғлиқ рус сиёсати ҳақида Вамбери 1873 йилда шуни қайд қилади: «Дахшадли ҳамладан аввал қулай фурсат қелгунча, ўзининг вазмин, ўта мулозаматли ва тайинсиз табиати билан тўғри мақсад сари ҳаракат қилди. Мақсадлари то мурод ҳосил бўлгунча, икки юзламалик, дўстона қулимсираш, ширин ва ҳушомад сўзлари билан рақибнинг шубҳа ва эътирозларини бартараф қилиш эди»). Англиянинг Ўрта Осиё бўйича юргизган сиёсатининг асосий мақсади Афғонистонни бир қўғирчоқҳукумат сифатида ҳимоя қилишни қўчайтиришга қаратилган эди. Ҳар икки давлатнинг сиёсати шундай бир

Муаллиф:

04.06.2024 01:43 -

холатни вужудга келтирдик, «Туркистон ўлкаси Шаркнинг буюк давлатларидан бўлган Русия ёки Англия томонидан босиб олиниш учун танланди. Англия султ ҳаракатда бўлса, Русия фаол ҳаракат кўрсатди(Anwar khan, 307-6. Марказий Осиё муаммолари мавзусида инглиз ва рус дипломатиясини то 1878 йилга қадар ўз кўз ўнгидан ўтказган Анвархоннинг китобига энг ишончли манба сифатида қараш мумкин. Муаллиф Русия билан Англия орасидаги дипломатик муносабатларни 1875 йилга қадар ишлаб чиққанида жуда ҳам фойдали бўлур эди. Чунки 1878 - 1895 йиллар ҳамон анча қоронғи.). Русларнинг ниҳоятда фаоллиги ҳам, инглизларнинг лоқайдлиги ҳам оқибатда, Туркистон манфаатига зид бўлди. Уларнинг ўз нуфузини ошириш сиёсати, асосан, заиф бўлган Туркистон давлатлари тақдирини ҳал қилди. Туркистон давлатлари бирин-кетин рус қудрати олдида тиз чўқишга мажбур бўлди. Бу ҳусусда, айниқса, мустиқил Туркистон давлатлари орасида бирликнинг йўқлиги Русия ва Англия ҳатти-ҳаракатлари чек-чегарасиз бўлишига имқон яратди. Бу «ўйин»да Англия ё ўз ихтиёри билан, ёки мажбур бўлиб чекинди, Русия эса ўз қора ниёти йўлида давом этиб, оқибатда Туркистон рус-инглиз сиёсатининг қурбони бўлди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан